

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси

Термиз туманида



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳудудларни обод этиш, сўлим манзаралар ташкил этиб, экологик мувозанатни таъминлашга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятли бўлмоқда.

Бу ҳайрли ишга барча бирдек киришгани боисми ҳудудлар кундан кунга файзли кўриниш касб этиб, обод манзилларга айланмоқда.

“Сурхондарё агросервис МТП” МЧЖ томонидан Термиз туманида 2 гектар майдонда 5 минг дона анор ва ёнғоқ кўчатлари ўтказилди. Лойиҳани амалга ошириш учун 52 нафар кўнгилл ёшлар жалб қилинди.

Лойиҳа ҳақида батафсил “Сурхондарё” ВТРКнинг “Диёр” информацион дастурида эфирга узатилган лавҳада танишиш мумкин.